

YOSHILAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ВА АДВОКАТЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнги йилларда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим таркибий қисми сифатида жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашнинг самарали институтларидан бири бўлган адвокатларнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, таҳсиллар курсатганидек, адвокатура ҳанузгача одамлар ишончини қозонган ҳуқуқий ҳимоя қилувчи институтга айланишда, адвокатларнинг ҳуқуқларини тўлиқ рўйга чиқаришга тўқналик қилаётган ва улар томонидан сифатли юридик ёрдам кўрсатишига ҳалал бераётган қатор омиллар мавжуд. Хусусан: биринчидан, суриштирув

ва тергов органларининг айрим ходимлари томонидан адвокатлар ўзларининг ишонч билдирувчилари (ҳимояси остидагилари) олдига киришларига юзаси сабабларга қўра тўқналик қилинмоқда, бундай ҳолатларда адвокатларнинг шикоятларини кўриб чиқишнинг амалдаги механизми адвокатлик фаолиятига тўқналик қилиш ҳолатларининг самарали олдани олишни таъминламаётти;

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БУЮК АЛЛОМАЛАР, АДИБ ВА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва аъноаларни чуқур қарор топиришга, хусусан, ҳалқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқараши юксалтириш, уларнинг қабдида она Ватанимиз ҳамма ҳалқимизга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш, баркамол шахсни тарбия-

лашда беқийс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Қадимий ва бетакрор диёримиздан етишиб чиққан буюк аалом, адиб ва мутафаккирларимизнинг юксак гуманистик ғояларга асосланган бой маънавий мероси умумбашарий цивилизация ва маданият, дунёвий ва диний ғояларни тарқатишга улкан ҳисса бўлиб қўшиладиган дунё жамоатчилиги томонидан ҳақиқ равишда эътироф этилади.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКISTОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ДАВЛАТ МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ВА ДАВЛАТ АРХИВЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИ МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатда давлат театрлари, цирклари, музейлари, ҳайвонот боғлари, концерт ташкилотлари, ижодий жамоалари, маданият-маърифий муассасалари (кейинги ўринларда давлат маданият муассасалари деб юритилади) ва давлат архивларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида кенг қуламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бадий ижодни, жумладан, театр, мусиқа, хореография, эстрада, цирк ва ҳалқ амалий санъатини янада ривожлантириш, ҳалқ тарихи ва унинг замонавий ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини акс эттирувчи асарлар яратишда ижодий жамоаларга, айниқса, ижодкор ёшларга ҳар томонлама юртимизнинг бунёдкор ва ривожлантириш ва маданият муассасалари рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилинган.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕКISTОН ПРЕЗИДЕНТИ АҚШ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМОНДОНЛИГИ ҚЎМОНДОНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май кунини амалий ташиф билан мамлакатимизга келган АҚШ Қуроли Кучлари Марказий Қўмондонлиги Қўмондони, генерал Жозеф Вотеани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари муҳимини самимий қутлар экан, Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик ва кўп қиррали, жумладан, сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, технология, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик жадал ривожланиётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ушбу мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилган минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, Афғонистон ва бутун минтақа давлатлари манфаатларига хизмат қилаётган йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратиши алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташифи олдидан Ўзбекистон Президентининг АҚШга қўйилган расмий ташифи Ўзбекистон – Америка ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши, ўзаро манфаатли ҳамкорликни аниқ амалий мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирилади.

Генерал Ж.Вотеа давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, АҚШ Президенти Дональд Трампнинг саломи ва эзгу тилақларини етказди. АҚШ жорий йил март ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан ўтказилган Афғонистон бўйича халқаро конференция якунларини юксак баҳолаши ва қўллаб-қувватлаши қайд этилди.

Мулоқот якунида Ўзбекистон Президентининг АҚШга қўйилган расмий ташифи Ўзбекистон – Америка ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариши, ўзаро манфаатли ҳамкорликни аниқ амалий мазмун билан бойитишига қатъий ишонч билдирилади.

ЎзА

ЎЗБЕКISTОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ВАШИНГТОНДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

ВАШИНГТОН, 14 май. ЎзА махсус мухбири Абу Бакр ҲРОЗОВ хабар қилади.

Авал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трампнинг ташифига биноан 2018 йил 15-17 май кунлари расмий ташиф билан АҚШга бўлади.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга расмий ташифи олдидан Ўзбекистон делегацияси аъзолари қатор муҳим тадбирларда иштирок этмоқда. Вашингтон шаҳридаги Миллий пресс-клубда «Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида эришган ютуқлари ва истиқболдаги вазифалар» мавзуда конференция бўлиб ўтди.

Миллий маркази, Халқаро пресс-клуб, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси ва қатор халқаро ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда таниқли олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми 2-саҳифада)

ХАЛҚАРО НАМКОРЛИК

“ДЎСТЛИК” ЛОЙИҲАСИ ИККИ ХАЛҚ БИРДАМЛИГИНИ НАМОЁН ЭТДИ

Жорий йилнинг 5-11 май кунлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси Туркия Республикасига сафарини амалга оширди



Ўзбекистон дунёга очик мамлакат. Жаҳон ҳамжамиятида нуфузимизни кўтариш, тараққиёт сари илмлашга ҳаракат қилаёلمиз. Бироқ айни мураккаб вазифани ёлғиз ундаб бўлмайди — ҳар қандай шароитда ҳам халқаро сиёсий майдонда бошқа давлатлар билан алоқа боғлашга зарурат бор. Муайян манфаатлар асосида, албатта.

Ўзбекистон дунёга очик мамлакат. Жаҳон ҳамжамиятида нуфузимизни кўтариш, тараққиёт сари илмлашга ҳаракат қилаёلمиз. Бироқ айни мураккаб вазифани ёлғиз ундаб бўлмайди — ҳар қандай шароитда ҳам халқаро сиёсий майдонда бошқа давлатлар билан алоқа боғлашга зарурат бор. Муайян манфаатлар асосида, албатта.

қуни Истанбул шаҳрига йўл олди. 11 майга қадар давом этган лойиҳа доирасида Ўзбекистонда ёшлар масаласига бевосита масъул давлат ва нодавлат тузилмалари вакиллари ҳамда журналистлар Туркия Республикаси ҳукуматига қарашли ТИКА ташкилотининг муҳандислик ва технологиялар, тадбиркорлик, оммавий ахборот воситалари соҳаларига доир таълим дастурларини ўзлаштириш имконига эга бўлди. Шу билан бирга, ТИКАда фаолият кўрсатаётган малакали мутахассистр-тренерлар делегация аъзолари билан лойиҳа яратиш ва мазкур жараёни бошқариш техникаси юзасидан ўз тажрибаларини ўртоқлашди.

(Давоми 3-саҳифада)

KUN MAVZUSI

ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК

Норинни ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида намунали туманга айлантириш мақсадида иш бошлаган республика ишчи гурӯҳининг фаолияти давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қуранбаев 27- ва 39-умумтаълим мактабларида бўлиб, ўқувчилар билан мулоқот қилди.

— Юртимиз қадимдан адиб санъаткорлари, олим устозлари билан машҳур, — дейди Қаҳрамон Қуранбаев. — Улар томонидан яратилган бой маънавий мерос, илмий ва бадий асарлар бугунги кунга қадар инсоният ривожига, маънавий тараққиётига хизмат қилиб келмоқда. Аммо биз буюк аجدодларимиз билан фахрланяёмиз, холос. Уларнинг асарларини ўрганиш, тадқиқ этиш, мазмун-моҳиятини таҳлил

юртимизнинг тарихий қадимжоларига саёҳатга юборишни ваъда берди.

408 нафарига йўланма берилди. Шунингдек, 248 нафар йигит-қизга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредит ажратилди.

— Бугун туманимизда кўз



қилиш муҳим. Бу эса, китоб мутлоаси билан боғлиқ жараён. Кўп ўқиган инсон олам ҳақиқатларини чуқурроқ англайди. Биз Абу Райҳон Беруний, Ал-Бухорий, Алишер Навоий, Амир Темур каби бобаклонларимизга муносиб бўлиш мақсади билан ёниб яшашимиз керак.

230 корхона, ташкилот ва тадбиркорлик субъектлари уч мингдан зиёд иш ўрини тақлим қилди. Ярмаркага Норин туманига яқин бўлган Учқўрғон тумани ҳамда Наманган шаҳрида истиқомат қилувчи ишсиз, жисмоний имконияти чекланган ва хоризждан қайтиб келган ёшлар жалб қилинди.

“БЕКИНМА ҚИЗИМ, КЕЛ, ОРЗУЛАРИНГ ҲАҚИДА ГАПЛАШАМИЗ...”

Кишиларнинг бир-биридан ҳол сўраши, яхши кўнида ёндаш, қиянчилигида елкадош бўлиши инсониятдан далолат. Ёшлар етакчиси эрта тонгдан Нориндаги таълим муассасалари фаолияти билан яқиндан танишиди, Борини кўрди, йўғини ташкил қилиш учун масъулларга қатор



вазифаларни юклайди. Тўшдан сўнг, яёв қишлоқ оралади. Кучақуйда одамлар билан суҳбатлашиб, дардини тинглади, қилаётган юмушлари билан қизиқди. Муаммоси борларга амалий кенгаши бўлаётганини тўлиқ англамаётган Маҳбуба опанинг қизи Моҳларов левор ортдан мўрааб кўярди. Шунда Ёшлар етакчиси уни ёнига қақириб, болаларча суҳбатлашди.

Маҳбуба опани тезда шифохонага жойлаштириб, керакли дори-дармонлар билан таъминлади. Шунингдек, хонадонга зарурий жиҳозлар олиб берди. Уйда нималар бўлаётганини тўлиқ англамаётган Маҳбуба опанинг қизи Моҳларов левор ортдан мўрааб кўярди. Шунда Ёшлар етакчиси уни ёнига қақириб, болаларча суҳбатлашди.

Тўмарис АбЗАМ, Нозима МИЯССАРОВА



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АДВОКАТУРА ИНСТИТУТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ТУБДАН ОШИРИШ ВА АДВОКАТЛАРНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

иккинчидан, адвокатларнинг жисмоний ва юридик шахслар ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш учун турли ташиклотларга йўлланган суровлари кўп ҳолларда, энг аввало, давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан эътиборсиз қолдирилмоқда, адвокат суровини қўриб чиқишнинг аниқ тартиби ва мuddатлари, билатуриб ёлгон ёки нотўғри ахборотни тақдим этганини аниқлашнинг зарурлиги белгилаб қўйилган; учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг (кейинги ўринларда Адвокатлар палатаси деб юритилади) адвокатура институти ҳимоячи сифатидаги роли пасайиб кетган, унинг адвокатлар билан ўзаро ҳамкорлиги статистика янги билан чекланиб қолмоқда ҳамда ортқча бюрократиядан иборат бўлмоқда; туртинчидан, адвокатлик тузилмаларининг амалдаги ташкилий-ҳуқуқий шакллари юридик хизматлар кўрсатиш бозорига рақобатнинг ривожланишига хизмат қилмапти, юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш адвокатлик фаолиятининг ажратилмаганига соҳани ривожланишига салбий таъсир кўрсатишмоқда; бешинчидан, адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тизими юридик амалиётнинг тегишли соҳаларга бўлинишини ҳисобга олмайди, бу эса адвокатлик касбининг ихтисослашувига салбий таъсир этмоқда; олтинчидан, адвокатлик лицензиясининг амал қилиши тўхтаб туриши ва тугатиш масалаларини қўриб чиқишда мамлакатимизнинг маъмурий таъсир кўрсатишига йўл қўйилмоқда, натижада адвокатларнинг эркинлиги ва мустақиллигига путур етмоқда;

еттинчидан, билими етмаслиги, ўзининг касбий мажбуриятларига виждонсиз муносабатда бўлиши сабабли адвокатлар томонидан Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамидини бузиш ҳоллари кўпайиб ўрмоқда, бу эса ишонч билдирувчиларнинг (ҳимоя остидагиларнинг) норозилигига сабаб бўлмоқда.

Адвокатура тизимини тубдан такомиллаштириш, профессионал юридик ёрдам сифатини ва адвокат касбининг нуфузини ошириш, шунингдек, суд ишини юритишда тенглик ва тортиқчи принципларини тўлиқ рўйбоғ қилиш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июндан бошлаб: адвокат низоларини судга чақ қилиш, томонларни яраштириш бўйича чоралар кўриш, шунингдек, ҳақамлик судьяси сифатида фаолият юритиш ҳуқуқига эга бўлади, адвокат томонлардан бирининг вакили бўлган ҳолатлар бунадан мустасно; адвокатлик фаолияти билан шугулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун адвокатлик тузилмасида мажбурий стажировка ўташ мuddати олти ойдан уч ойга қисқартирилади, бунада давлат органлари ва ташиклотларнинг юридик хизмат ходимлари ва судья, терговчи ёки прокурор лавозимда камидан уч йил фаолият юритган шахслар мажбурий стажировкадан озод этилади;

лицензияни тугатиш учун асос бўладиган адвокат томонидан узрли сабабларсиз ўз касб мажбуриятларини бажармаслик мuddати амалдаги уч ойдан олти ойга узайтирилади; суднинг адвокатни жиноят содир этишида айбдор деб топиш тўғрисидаги айблов ҳукми кучга кирган тақдирда, судья бир сутка ичида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигини ва Адвокатлар палатасининг белгилаб қўйилган тартибда ёзма хабардор қилади; фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат

мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгилаб қўйилган лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатадилар. Бунада фаолият юритаётган адвокатларнинг лицензияларини қайта расмийлаштириш уларни танлаган мутахассислиги бўйича қайта аттестациядан ва йғимларни тўлашдан озод этган ҳолда амалга оширилади; адвокат томонидан адвокат туғрисидаги қонун ҳужжатлари, Адвокатнинг касб этикаси қоидалари талаблари, адвокатлик сири ва адвокат қасамиди мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда, шунингдек, лицензиясининг амал қилиши тўхтаб туришига амал қилиш лицензиянинг амал қилиши тўхтаб туришига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтаб турилган мuddатларда бартараф этмаганда, лицензиянинг амал қилишини тугатиш Олий малака комиссияси ҳулосасига асосан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг мурожаати бўйича фақат суд томонидан амалга оширилади;

2. Белгилаб қўйилсинки: адвокатларнинг ўзларининг ҳимоя остидаги шахслар билан аудио ва видеокузатув қўрилмалари бўлмаган махсус хоналарда ҳамда бегона шахсларнинг иштирокисиз ўз вақтида ва ҳеч қандай тўсиқларсиз учралиши таъминланади, бунада адвокат ва ҳимоя остидаги шахсининг суҳбатини ўчинчи шахслар эшитишини истисно этган ҳолда уларни визуал қўриб туриш имконияти сақланиб қоллиниши шарт; адвокат ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 179-моддасига қатъий риоя этилган ҳолда, суд биносига компьютер, мобил ва бошқа алоқа воситаларини монеликсиз олиб кириш ҳуқуқига эга, ёпиқ суд мажлислари бунадан мустасно. Бунада қайд этилган қўрилмалардан суд биноси ичкарисида фойдаланиш суд жарафини ўтказиш тартибини бўзмаслиги керак;

адвокатларнинг маалаки юридик ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган, давлат ва бошқа органлардан ҳамда корхона, муассаса ва ташиклотлардан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатлар ёки уларнинг нусхаларини олиш учун суровлари суров қабул қилинган пайтдан бошлаб кўли билан ўн беш кун мuddатда бажарилиши шарт, давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сири ўз ичига олган маълумотлар бунадан мустасно; адвокатлик бюрларини таъсис этган адвокатлар ўз фаолиятини мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда ўзларига тегишли бўлган турар жойларида амалга оширишлари мумкин, бунада ушбу турар жойлари адвокатлик бюроси фаолиятида фойдаланиш учун нотурар жой тоифасига ўтказиш талаб қилинмайди;

адвокат суровига қўра маълумотларини ўз вақтида тақдим этмаслик, ёлгон ёки нотўғри маълумотларни тақдим этганида айбдор мансабдор шахслар адвокатнинг судга туғридан-туғри мурожаатига асосан белгилаб қўйилган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Адвокатлар палатасининг 2018 йилнинг 1 августидан бошлаб қўйилган тартибни жорий этган ҳолда ҳуқуқий маслаҳат хизматлари кўрсатиш субъектлари доирасини кенгайтириш ҳақидаги тақлифига розилик берилсин;

тижорат ташиклотлари юридик маслаҳат хизматларини лицензия олмасдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилган тартибда амалга ошириши мумкин. Бунада қайд этилган ташиклотлар фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий ишлар бўйича сулларада вакилик қилиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар;

адвокатлик тузилмалари юридик маслаҳат хизматларини Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура туғрисида"ги қонунига мувофиқ амалга оширад.

Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан биргаликда икки ой мuddатда рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмасдан умумий талабларни назарда тутган ҳолда Тижорат ташиклотлари томонидан юридик маслаҳат хизматларини кўрсатиш тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Адвокатура институти янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастури иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Адвокатлар палатасига: замонвий талаблар, мазкур Фармоннинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ адвокатура фаолиятининг кафолатларини амалда таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўз ишини қайта йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўриш;

Адвокатлар палатаси ҳузурида малакали юридик ёрдам кўрсатиш стандартлари ва бошқа адвокатлик фаолияти стандартларини ишлаб чиқиш, Адвокатлар касб этикаси қоидаларини қўллаш бўйича Адвокатлар палатасининг ҳузурида бошқармалари, барча адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар учун мажбурий бўлган тушунтиришлар бериш, шунингдек, адвокатлик фаолиятининг оқсак стандартларини таъминлаш бўйича бошқа функцияларни амалга оширадиган Этика комиссиясини тузиш;

адвокатура тизимини иш стажига қўра малака комиссияларининг ҳулосалари асосида Адвокатлар палатаси раиси томонидан бериладиган адвокатларнинг малака даражаларини таъсис этиш;

Адвокатлар палатаси фаолиятининг очилдиғи ва ошқоралиғи, шу жумладан, унинг молиявий-иқтисодий фаолияти шафдофлигини таъминлаш бўйича чоралар кўриш;

гумон қилувчи, айбланувчи ёки судданувчида давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатадиган адвокатлик тузилмани автоматик равишда белгиловчи, бир адвокатнинг қайта-қайта жалб этилишига, ўчинчи шахсларнинг бу жараёнда аралашувига йўл қўймайдиган янгилаб қўйилган тартиб ва мезонларни белгилаш тавсия этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Адвокатлар палатаси билан келишган ҳолда уч ой мuddатда: адвокатлик мақомини олиш учун малака имтиҳонини жараёнларини шафдофлигини таъминлаш, шу жумладан, зарур ҳужжатларини онлайн тартибда топириш имкониятидан фойдаланиш, уларнинг рўйхатини мақбуллаштириш ва имтиҳон жараёни Интернет тармоғида реал вақт режимида трансляция қилиш; адвокатлик тузилмалари ва

адвокатлар томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга бепул ижтимоий юридик ёрдам кўрсатиши (pro bono) ривожлантириш;

адвокатлар томонидан ўз ишонч билдирувчилари (ҳимоя остидагилари)га сифатли юридик ёрдам кўрсатиш учун хорийорик давлатлар органларига суров юбориш механизмларини жорий этиш бўйича чоралар кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки: адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилиши шарт;

Адвокатлар палатаси раиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қонун лойиҳаларини муҳокама қилиш бўйича мажлисларини да иштирок этиш ва уларга доир фикр билдириш ҳуқуқига эга;

адвокатларга нисбатан интизомий иш юритуви фақат тегишли малака комиссиялари ёки Олий малака комиссияси қарори билан қўзғатилиши мумкин.

8. Суриштирув ва дастлабки тергов органлари ходимлари адвокатлик фаолиятига ҳар қандай шаклларида, шу жумладан ишонч билдирувчи (ҳимоя остидаги) шахс билан учралиш ҳуқуқини чеклаш орқали тўқтинлик қилишга йўл қўйиб бўлмаслиги ҳақида огоҳлантирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси айбдор мансабдор шахсларга, аввало, суриштирув ва дастлабки тергов органлари мансабдор шахсларига энг қатъий жавобгарлик чораларини қўриган ҳолда, адвокатлик фаолияти кафолатлари тўғрисидаги қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан прокурорлик назоратини кучайтирсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентини давонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқий муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда:

адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатилишида уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилишига оид амалиётни ўрганиш ва умумлаштириш, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда жиноий ва маъмурий иш юритиш, фуқаролик ва иқтисодий низоларни ҳал қилишда жисмоний ва юридик шахслар ҳимояга бўлган ҳуқуқларининг бузилишига йўл қўётган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрсин;

адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши ҳолатини вақти-вақти билан қўриб чиқиш ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш бўйича таҳлилий маълумотлар киритиб бурсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурорини О.Б.Муродов, Ўзбекистон Республикасининг Президентини Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосарини Б.М.Мавлонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 12 май

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

БУЮК АЛЛОМАЛАР, АДИБ ВА МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИЖОДИЙ МЕРОСИНИ КЕНГ ЎРГАНИШ ВА ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА "ШЛАР ЎРТАСИДА КИТОБХОНЛИК ТАНЛОВЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Буюк адиб ва мутафаккирларимизнинг нодир мероси, ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёшларимизни ўзликни англаш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида китобхонлик маданиятини кенг омаллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими вазирилик, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда жамоатчилик вакилларининг мамлакатимиз ёшлари ўртасида ўтказилган китобхонлик танловларини ижобий баҳолаган ҳолда, ушбу танловларни ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги тақлифлари маъмулансин.

2. Буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида "Ёш китобхон" танловини (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

ДАВЛАТ МАДАНИЯТ МУАССАСАЛАРИ ВА ДАВЛАТ АРХИВЛАРИ ХОДИМЛАРИ МЕХНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ВА УЛАРНИ МОДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШНИ КУЧАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг ижодий маҳоратини муносиб баҳолаш таъминлашга, касбий даражасини ҳамда малакасини ўзлаштириш учун рағбатлантириш усулларини яратишга йўналтирилган меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий таъминотини яхшилаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "ЎзАрхив" агентлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандалик ва маъмурий муносабатлари вазирлигининг:

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари артистлари, маъмурий-бошқарув, бадиий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек, давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг (кейинги ўринларда – давлат маданият муассасалари ва давлат архивларининг ходимлари) меҳнат ҳақи миқдорларини ўртача 45 фоизга ошириш;

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий лавозим маошларини белги-

3. Белгилаб қўйилсинки: а) танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ривожлантириш жамғармаси маблағлари ва қонун ҳужжатларида таққидланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

б) танловни ўқори савияда ўтказиш учун: Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ташкилий-амалий ишлар бўлими; Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети илмий-ижодий ишлар бўлимига маъсул ташиклотлар ҳисобланади.

4. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази билан биргаликда ўн кун мuddатда "Ёш китобхон" танловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомини ишлаб чиқсин ва белгилаб қўйилган тартибда тасдиқлансин.

5. Мазкур Низомда: буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг меросини чуқур ўрганиш мақсадида алоҳида номинациялар бўйича танловлар ташкил этиш;

2018 йилги танловларни Ватанимиз тарихи ва халқимизнинг маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Оғаҳи, Бердақ сингари буюк мутафаккирларимиз ижоди ва фаолияти, жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, шунингдек, "Алломиш", "Гўрўғли", "Қунтурғиш" каби халқ достоналари бўйича ўтказиш;

кейинги танловларни даврлаштириш ҳолда давом этириш учун тегишли рўйхатларни шакллантириш; танлов ғолибларини мукофотлаш ва рағбатлантиришнинг аниқ механизмларини ишлаб чиқиш, хусусан, республика Босқичида биринчи ўринни эгаллаган қатнашчиларни энгил автоматбиллар билан тақдирлаш, иккинчи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 12 май

лашни назарда тутувчи меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш ҳамда лавозим маошлари ўртасидаги рафовутни қўлайтириш ҳисобига касбий ўсиш рағбатлантириш;

2018 йил 1 июндан Ўзбекистон давлат цирки, ҳайвонот боғлари, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг қўзи оғизлар учун кутубхоналари ҳамда давлат архивлари ходимларининг алоҳида тоифаларига театр-концерт ташиклотларининг артистлари ва бадиий ходимларига ўзоқ мuddат хизмат қилганлиги учун белгилаб қўйилган миқдорларда ҳар ойда тақдирлаш пули тўлаишини белгилаш тўғрисидаги тақлифлари маъмулансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этилиши ва ўзоқ мuddат хизмат қилганлиги учун ҳар ойда тақдирлаш пули тўлаишини билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетте маблағлари ва тегишли давлат маданият муассасалари ҳамда давлат архивларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан молиялаштирилган давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг ижодий маҳоратини муносиб баҳолаш таъминлашга, касбий даражасини ҳамда малакасини ўзлаштириш учун рағбатлантириш усулларини яратишга йўналтирилган меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий таъминотини яхшилаш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "ЎзАрхив" агентлиги, Молия вазирлиги ҳамда Бандалик ва маъмурий муносабатлари вазирлигининг:

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари артистлари, маъмурий-бошқарув, бадиий-раҳбар, ижодий ва бошқа ходимларининг, шунингдек, давлат архивлари бошқарув ходимлари ва мутахассисларининг (кейинги ўринларда – давлат маданият муассасалари ва давлат архивларининг ходимлари) меҳнат ҳақи миқдорларини ўртача 45 фоизга ошириш;

2018 йил 1 июндан давлат маданият муассасалари ва давлат архивлари ходимларининг малака тоифалари ва лавозимлари бўйича базавий лавозим маошларини белги-

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ БОРАСИДАГИ ТАШАББУСЛАРИ ВАШИНГТОНДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С.Сафоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Франциялик тарихчи олим, сониолог М.Ариоз, Human Rights Watch таъминотининг Марказий Осиё бўйича раҳбари С.Свердлов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухаликов, Халқаро пресс-клуб раҳбари Ш.Қудратхўжаев ва бошқалар Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш, юртимизнинг халқаро майдонда муносиб ўрин

эгаллашига йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга ошириладиганини таъминлаш.

Таъминотининг, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунлар жамият ва давлат фаолиятининг барча соҳаларини ислох қилиш учун мустақам ҳуқуқий асос яратди. Ўзбекистон Конституциясида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг қўшилган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида назарда тутилган асосий тамойиллар ўз ифодасини топган. Бугунги кунда Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари бўйича 70 та асосий ҳужжатга қўшилган, БМТ томонидан ушбу соҳада қабул қилинган 10 та асосий халқаро шартнома иштирокчисидир. Мамлакатимизда миллий

қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига халқаро стандартларни тизимий ва босқичма-босқич имплементация қилишнинг ўз модели, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши мониторингини миллий тизим шакллантирилган.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш мақсадида қонун ҳужжатлари муттасил такомиллаштириб бориламоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб қўйилган вазифалар ижроси доирасида мамлакатнинг халқаро муносабатларининг тўла ҳуқуқий субъекти сифатидаги ўрни ва ролини янада мустақамлаш,

ва ўчинчи ўрин соҳиблари ва фаол иштирокчиларини ҳам муносиб рағбатлантириш чоралари назарда тутилсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги танлов номинацияларида белгилаб қўйилган буюк аллома, адиб ва мутафаккирларимизнинг асарларини, уларнинг ҳаёти ва фаолиятини оид китоб ва рисолааларни нашрга тайёрлаш, чоп этиш ҳамда таълим муассасалари кутубхоналарига, тегишли веб-сайтларга, ахборот-ресурс марказлари ва кенг ўқувчилар оmmasига етказиш чораларини кўрсин.

7. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарор ижроси билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини А.Н.Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиларини Х.М.Султонов ва Қ.Қ.Қурбанбоев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЕВ
Тошкент шаҳри, 2018 йил 14 май

тўлови ставкаси 30 фоиздан 5 фоизга пасайтирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабргаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макрокотисодий курсаткичлари прогноз ва Давлат бюджетте параметрлари тўғрисида"ги

</

“ДУСТЛИК” ЛОЙИХАСИ ИККИ ХАЛҚ БИРДАМЛИГИНИ НАМОЁН ЭТДИ

Жорий йилнинг 5-11 май кунлари Ўзбекистон ёшлар иттифоқи делегацияси Туркия Республикасига сафарини амалга оширди



Р.НАЗАРМатов

(Бошланиши 1-саҳифада)

ИЛК ҚАДАМ

“Дустлик” лойиҳасига старт берар экан, ТИКА хорижий ишлар бўлими мудири Мустафо Ҳошим Полат айтиш мумкин...

тон Аҳмад жоме масжиди ҳамма антик даврдан қолган ер ости сув омбори (Еребаган сарнижи) ни томоша қилди.

ЎРГАНСАК АРСИЙДИ

Эртаси кундан бошлаб делегация аъзолари муҳандислик ва технологиялар, тадбиркорлик, оммавий ахборот воситалари йўналишлари бўйича уч гуруҳга ажралган ҳолда семинар машғулотларида қатнашди.

Тадбиркорлик фаолиятини олаёлик. Аяни вақтда Туркияда 3,5 миллиондан зиёд тадбиркорлик субъекти рўйхатдан ўтган.

Яна бир эътиборли жиҳат: Туркияда ишлаб чиқариш ниҳоят даражада ривожланган. Аҳоли ҳам маҳаллий маҳсулотларни бажонидил сотиб олади ва қадрлайди.

Туркия босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган кундалик ахборотларнинг 40 фоизи фотосуратларнинг 63 фоизи “Анадолу” материалларидан ташкил топган.

умумжаҳон ассоциациясининг Туркиядаги вакили этиб сайланганидан чин дилдан қувондим. Бу йигитни кўпдан бери таниймиз.

Тадбирда Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси раиси Муродилла Алимбаев ҳам сўзга чиқиб, тузимнинг мақсад-вазифалари ҳамда амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача тўхтади.



ЭНДИ ТУРКИЯДА ҲАМ ВАКИЛИМИЗ БОР

6 май куни делегация аъзолари гувоҳиғида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Туркия Республикасидаги вакили сайланди.

Кун охирида делегация аъзолари 1856 йилгача турк султонларининг асосий қароргоҳи бўлган Тўпқапи саройини томоша қилди.



МАҚСАД АНИҚ БЎЛСИН!

“Дустлик” форуми дастуридан алоҳида ўрин олган ва аяни пайтда ижтимоий фаолият учун ниҳоятда долзарб аҳамият касб этувчи лойиҳа яратиш ҳамда уни юритиш техникасига доир ўқув-амалий семинари 7 май кунини ташкил этилди.

ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИК ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ (ТИКА) — 1992 ЙИЛДА МАМЛАКАТ БОШ ВАЗИРИ ДЕВОНИ ХУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХИСОБИДАН МОЛИЯЛАШТИРИЛАДИ. ДУНЁНИНГ 150 ДАВЛАТИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА. 60 МАМЛАКАТ, ХУСУСАН, ЎЗБЕКИСТОНДА ВАКОЛАТХОНАСИНИ ОЧГАН. ХАЙРИЯ СИФАТИДА ЙИЛИГА 2 МИНГАГАЧА ЛОЙИХАНИ АМАЛГА ОШИРАДИ.

Кун давомида делегация аъзолари ТИКАнинг лойиҳалар яратиш бўйича мутахассиси Омар Фарук Мергендан маҳорат сабогини олди. У ёшларга лойиҳанинг мавзу (ғоя)сини танишдан тортиб, ҳамкорларнинг топиш ва танлаш, молиявий манбаларни аниқлаш, режаси ҳамда ҳаражатлар сметасини тузиш, бордингки, эҳтимолий хавф-хатарларни таҳлил қилишнинг йўл-йўригини ўргатди.

ХОНАҚОҲ — КИЧИК ВАТАН

Салкам 20 миллион аҳоли яшайдиган Истанбул шаҳрининг кўхна ёғорликларини гўзал гушалари бисёр. Лекин юртимиздан ташриф бурувчи сайёҳлар учун энг қадрлиси Ўзбеклар хонақоҳи (теккеси)дир.

Ўзбеклар теккесига 1752 йилда Бухородан Туркияга кўчиб ўтган Шайх Содиқ томонидан асос солинган. У ҳақ сафарига отланган ватандошларимиз учун кўнмин жойи вазифини ўтаган. Мамлакатдаги уруш ва талатўплар даврида эса, хонақоҳда кўпгина жабрайилалар жон сақлагани маълум.

Аяни вақтда Ўзбеклар хонақоҳи асмида Бухорода кашф қилинган эбру (сув устига нақш солиш) санъати маркази сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Шайх Содиқ сулоласининг сўнгги вакили Эда Ўзбекангай устози, Меймор Синон университетини профессори Ҳикмет Барутчегил билан бирга ушбу кўхна санъат турини оммалаштириш ва кейинги авлодларга етказишга муносиб ҳисса қўшаётди.

Шу билан бирга, ёшлар Туркиядаги ўзбек диаспораси вакиллари — таржимон Абдураҳмон Темур ҳамда муҳандис Акбар Ясса билан ҳам учрашди. Узаро мулоқот давомида ватандошларимиз ота маконидан йироқда тутилган бўлса-да, ўзбек тили ва маданиятини унутмаганини, фарзандларини ҳам



Эргаш ЖУМАЕВ, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг Туркиядаги вакили

— Ассоциация хориждаги ўзбекистонлик ёшларни бирлаштириш мақсадида тузилган. Мен бу истакни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлайман. Ишни эса, Туркияда истиқомат қилаётган тенгдошларимиз ҳақида маълумотлар базасини яратишдан бошламоқчиман. Шу орқали улар билан алоқа болаёла, ўй-ташвишларидан хабардор бўла оламиз. Кўп ҳолларда ҳамюртларимиз хорижий давлатларга ҳуқуқий жиҳатдан қуроламансан боради. Натижада, қонимбузарга айланмиши ҳеч гап эмас. Бу борада ҳам уларга маслаҳат беришимизни вазифам деб ҳисоблайман.

журналистлар 2015 йилда иш бошлаган ҳамда дунёнинг 180 мамлакатига кечая кунда жонни эфрива, инглиз тилида ахборот узутувчи “TRT World” телеканали тахририятида бўлди. Телеканалнинг жамоатчилик билан алоқалар бўйича мутахассиси Эзра Дузгун делегацияни студиядаги иш жараёни, “TRT World” да намойиш этилаётган асосий кўрсатувлар билан таништирди.



шу кадрларга ҳурмат руҳида тарбиялашга интилаганини таъкидлади. Учрашув сўнгида Ёшлар иттифоқи вакиллари меҳмонларга ўзлари билан олиб келган ўзбек тилидаги китобларни ва бошқа эсдалик совғаларини топширди.

БИР МАРТА КЎРГАН АФЗАЛ

Сафарнинг кейинги кунлари делегация аъзолари яна гуруҳларга бўлиниб, семинарларни давом эттирди. Оммавий ахборот воситалари оид машғулотни “Анадолу” агентлиги катта муҳбири Али Байаслан ўтди. Сўнгра

Ташрифнинг охири кунини “Дустлик” лойиҳасида фаоллик кўрсатиб, таълим дастурларини муваффақиятла улаштирган ёшларга Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг махсус сертификатлари топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган маросимда ТИКА бошқаруви раиси ўринбосари Меҳмет Сурия Эр сўзга чиқиб, “Дустлик” лойиҳаси келгусидаги ҳамкорлик учун йўл очиб берганини айтиб, етти кун мобайнида ўзлаштирилган билимлар янги лойиҳалар учун асос бўлиб хизмат қилаётиганига умид боғлади.

Наргиза УМАРОВА Тошкент – Истанбул – Тошкент



Омар Фарук МЕРГЕН, ТИКА мутахассиси

— Ўзбекистон ёшларидан кўнминг тўлади. Аслида лойиҳа яратиш технологиясини бир кунда ўрганиб бўлмайди. Шу нўқтан назардан семинар иштирокчиларидан айрим хатоликлар ўтгани бежиз эмас. Уларнинг аксарияти мақсадни аниқ қўймаган. Бу эса, аввал-бошданқ муваффақиятсизлик олиб келади. Лойиҳани ёзиш жараёнида қанча маблағ талаб қилинишини, ҳамкорлар ва уларга келадиган фойдани аниқ кўрсатиш шарт. Умуман олганда, сиз нима, қачон, қаерда, қандай, нега, ва қанча маблағ эвазига деган муҳим саволларга жавоб беришингиз лозим. Шундангина кўнминг натижага эришиш мумкин.

YOSHLIK ILHOMI

МЕҲМОН

Нодирабегим ИБРОҲИМОВА

Остонага майдалаб сув сепаетган қизга кўзи тушди-ю, унга маҳлиё бўлиб қолди. Назарида, вақт тўхтаб қолган-дек эди. У бир кўришда севиб қолганди. Энди бахтини қўлдан бермайди. Яхшиям минг йиллик қадарон

дўстини излаб шу қишлоққа келгани. Йўқса, бу "фаришта" билан учрашмаган бўларди. Ҳа, ҳозирок ёнига бориб танишади, баҳонаси ҳам тайёр. — Кечирасиз, сингим, шу атрофда Шербек исми азим

пойтахтда ўқиб қайтган йигит яшайдими, шигир ёзарди, фирт телба эди ўзиям... — Хуш келиб-сиз, — "фаришта" ним табассум қилди ва ичкарига қараб овоз берди. — Дада-си, сизни сўраб келишибди...

Нуриддин ЗИЁ

ИСТАК

Сен билан сўнги бор суҳбатлашиш учун кўнгирак қилман. Илтимос, гўшакни кутарман.

АНДУХ

НУРИЯХОНИМ

Сарвинос остонада турган отасига эркаланди: — Оқ кўйлак олиб келинг. — Отаси шу бўйи қайтиб

қелмади. Кейин ажрашиш туғрисида мактуб юборди. Отаси бунга аччиқ қилиб, бошқасига турмушга чиқди.

Йиллар ўтиб, ота уйга қайтди. У ўзи ва аёли сабаб бўйи етган кизига ханузгача оқ кўйлак кийиш насиб этмаётганидан ўқинди.

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Қандай ҳолатларда транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади?

Шавкат АБДУЛЛАЕВ
Пахтаобод тумани



Саволга ҳуқуқшунос Бекзод МУСАЕВ жавоб беради:

— Йўл ҳаракати қоидаларининг 179-бандида кўрсатилишича, техник ҳолати талабга жавоб бермайдиган, давлат техник кўригидан ўтмаган, тегишли рухсатсиз қайта жиҳозланган, шунингдек, эгасининг фуқаролик жавобгарлиги белгиланган тартибда мажбурий суғурталанмаган транспорт воситасидан фойдаланиш тақиқланади.

Шу билан бирга, тегишли техник фойдаланиш қоидаларида кўзда тутилган носозликлардан биронтаси аниқланган троллейбус ёки трамвайларни бошқариш ҳам мумкин эмас.

Мазкур чеклов Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати рухсатсиз милтиловчи чирок-маёқча ҳамда махсус товушли ишора билан жиҳозланган, кузовнинг ён томони Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати билан келишимасдан қия оқ чизик тортиган, кўзда тутилган жойларга тегишли давлат рақами белгилари ўрнатилмаган, агрегат ва қисмларнинг рақамлари ёки давлат рўйхатлаш рақами белгилари кўринмайдиган, қалбақлаштирилган ва ўзгартирилган транспорт воситаларига ҳам тегишли.



(Ёш ҳуқуқшунослар кенгаши билан ҳамкорликда тайёрланди).

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Пойтахтимиздаги Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида «Мажнунтол» гитара ва муаллифлик қўшиқлари фестивали бўлиб ўтди.

МАРОҚЛИ ҲОРДИҚ

Табдир Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Ёшлар медиа маркази томонидан ўтказилиб, унга ёшлар, оммавий ахборот соҳаси вакиллари, кенг жамоатчилик тақлиф этилди. Мазкур фестиваль йигит-қизларнинг мароқли дам олиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган ёшларнинг самарали ҳамкорлигини йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилди.

Сўлим боғда болалар музикавий жамоалари билан бирга мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокидаги концерт дастури

ҳам йиғилганлар эътиборига ҳавола этилди.

Табдирнинг ўзига хослиги шундан иборат бўлдики, унда мусиқа санъатига меҳри баланд ёшлар пазандлик сирларини эгаллаган ўз тенгқурлари ижоди билан ҳам яқиндан танишиш имконига эга бўлди. Табдир давомида ёшлар иштирокида турли кизикарли мусобақалар, интеллектуал ўйинлар, америкача музика жанрнинг ўзига хос йўналишлари саналган Beatbox бўйича маҳорат сабоқлари ҳам ўтказилди.

Табдир якунида «Мажнунтол» гитара ва муаллифлик қўшиқлари фестивали ғолиблари тақдирланди.

DOLZARB MAVZU

Ойла МУСТАҲКАМЛИГИ ҳалмиша муҳим

Сожида САПАЕВА

Пойтахтимизда "Ойла ва никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий тартиби" мавзусида амалий конференция бўлиб ўтди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ва Олий суд ҳамкорлигида ташкил этилган тадбир 15 май — Ҳалқаро ойла кунига бағишланди.

Анжуманда Тошкент шаҳри ва ҳудудий маҳалла кенгашлари раислари, оқсоқоллар, шунингдек, Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси,



Н.ҲАЙДАРОВ

"Ойла" илмий-амалий маркази мутахассислари иштирок этди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида яраштириш комиссиялари фаолият кўрсатаётганига қарамай, республикамизда онлайв ажримлар сони юқорилишига қолмоқда. Масалан, жорий йилнинг дастлабки


уч ойи мобайнида 9 минг 566 та ана шундай ҳолат қайд этилди. Ачинарлиси, ажрашганларнинг беш минг нафардан зиёди ёшлар. Шу боис анжуманда ижтимоий-маънавий муҳити носоглом ҳамда нотинч оилалар билан ишлашда яраштириш комиссияларининг масъу-

лятини янада ошириш зарурлиги алоҳида эътибор қаратилди.

Анжуман давомида Ўзбекистон Республикаси Олий суди, АҚШ Ҳалқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ва БМТ Тараққиёт дастури ҳамкорлигида тайёрланган "Ойла ва никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий тартиби" номли рисола тақдими ҳам бўлиб ўтди. Китобда никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг шахсий номлуқий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзолари ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, оила қонунчилигида жавобгарлик, эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, никоҳ шартномаси, никоҳнинг тугатилиши, фарзандликка олиши каби масалаларнинг ҳуқуқий асослари тушунтириб берилган.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ ЯКУНЛАНДИ

Жавоҳир ТОШҲУЖАЕВ,
ЎЗА муҳбири



Пойтахтимизда спорт курашлари бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати ўтказилди. Ўзбекистон, Хитой, Хиндистон, Эрон, Ироқ, Иордания, Япония, Қозғистон, Қирғизистон, Жанубий Корея, Саудия Арабистони, Мўғулстони, Покистон, Сингапур, Сурия, Таиланд, Тожикистон, Туркменистон, Тайвань ва Яман давлатларидан келган полвонлар ўртасидаги баҳслар кескин ва муросасиз ўтди.

Юнон-рум кураши баҳсларида 60 килограммгача вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Асилбек Нейматов олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, финалга қадар барча рақибларини мағлубиятга учратган Амирбек Султонов ва Мухаммадали Сайдуллаев кумуш медал билан тақдирланди. Чемпионатда Аброр Атабаев, Лазиҳон Ўзбеков, Аброрбек Нурмуҳаммедов, Бекзод Аҳмедов ўз вазн тоифаларида бронза медалига сазовор бўлди.

Аёллар кураши бўйича 40 килограммгача бўлган вазн тоифасида Ўзбекистон терма жамоаси шарафини ҳимоя қилган Муножотхон Самиева финалда мўғулстонлик Номун Батсайхонни ен-

гиб, олтин медал соҳибига айланди. Шоҳида Аҳмедова ва Светлана Оқназарова каби курашчиларнинг Осиё чемпионатининг кумуш медал билан тақдирланди.

Вазни 48 килограммгача бўлган эркин курашчимиз Умиджон Жалолов барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медал соҳибига айланган бўлса, 51 килограмм вазн тоифасида Арслон Раҳимов Осиё чемпиони бўлди.

Эркин кураш бўйича ўтган беллашувларда 80 килограммгача вазн тоифасида Мухаммадрасул Раҳимов финалга қадар муваффақиятли иштирок этиб, шоҳуланинг иккинчи погонасидан жой олди.

Шунингдек, полвонларимиздан Азизбек Файзуллаев, Сарварбек Худойбер-

ганов, Миркамол Бешимов ҳамда Шоҳжаҳон Авазов ўз вазн тоифаларида терма жамоасидан ҳисобига бронза медални келтирди.

Шу тариқа, спорт курашлари бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида полвонларимиз жами 4 олтин, 5 кумуш ва 8 бронза медални қўлга киритди.

Чемпионат якунига кўра, юнон-рум курашида Асилбек Нейматов (-60 кг), аёллар курашида Шоҳида Аҳмедова (-49 кг) ва Светлана Оқназарова (-73 кг), эркин курашда Умиджон Жалолов (-48 кг) III эъги ўсмирлар Олимпия йўналиши йўлланмасини қўлга киритганидан хурсандман, — дейди Асилбек Нейматов. — Энди Олимпия йўналишида муносиб иштирок этишга ҳамда ушбу мусобақада зафар қучишга ҳаракат қиламан.

ANJUMAN

Санжар ЭШМУРОДОВ

ТАРИХНИ ЎРГАНИБ КЕЛАЖАККА ИНТИЛАМИЗ

Ўзбекистон халқаро Ислам академиясида "Марказий Осиё ва Ислам цивилизацияси" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда соҳа мутахассислари, ёш олим, тадқиқотчи ва талабалар иштирок этди. Тадбирда Марказий Осиё мутафаккирларининг илмий-маънавий ва диний-маърифий меросини ўрганиш, Ислам цивилизациясининг жаҳон илм-фани ривожигаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилди.



Очилиш маросимидан сўнг, конференция бир неча шўбаларда давом этди. Ёш олимлар томонидан "Каффо Шойийнинг Ислам ҳуқуқи асослари бо-

расидаги қарашлари", "Бухоро амирлиги қозилик архив ҳужжатларида бағрикенглик масаласи", "Қақшадарё вилоятида зиёрат туризми ривожланишининг

истиқболлари" каби бир-бирдан қизиқарли ва долзарб мавзуларда тақдиротлар қилиниб, фикр алмашилди.

— Аждодларимизнинг маънавий мероси жуда бой, — дейди Тошкент Ислам институти бўлим бошлиғи Уткир Собиров. — Уларни чуқур ўрганиб, тадқиқ қилиб, аҳоли, айниқса, ёшларга етказиш керак. Шундангина бу улкан мерос маънавий юксалишимиз йўлида хизмат қилади. Миллатимиз вакилларининг турли ёт голярга оғиб кетмаслиги таъминланади. Кишиларда мафқуравий иммунитет шаклланиб, порлоқ келажакимизга замин ҳозирлайди.

Анжуман давомида талаба йигит-қизлар тайёрлаган хаттоғлик ёзувлари ҳамда аждодлар меросига бағишланган электрон дастурнинг тақдими бўлиб ўтди.

Табдир сўнида фаол иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

HAFTALIK

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

ЯНГИ, КРЕАТИВ, ИННОВАЦИОН

Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетиде ёш ихтирочилар ҳафталиги бўлиб ўтди

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги Республика ёш олимлар кенгаши ва университет ҳамкорлигида амалга оширилган лойиҳа меҳнатроника-робототехника, инновацион технологиялар, архитектура-дизайн йўналишларига бўлинди.

Ёшларнинг инновацион голяларини ўрганиш ва муносиб баҳолаш, ишланмаларини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган ҳафталик доирасида инновацион ярмарка, маҳорат дарслари, хорижий мутахассислар иштирокида илмий семинар, учрашув ва экскурсиялар ташкил этилди. Ўзбекистон ёш олимлар кен-

гаши ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Айтиш керакки, лойиҳада иштирок этиш учун талаба ва ўқувчи-ёшлардан 844 та мурожаат келиб тушган. Улар орасида махсус экспертлар гуруҳи 120 нафар ёш ихтирочининг ишланма ва рационализаторлик тақлифларини саралаб олди. Фаол иштирокчилар диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди. Шунингдек, Ёш олимлар кенгаши энг яхши лойиҳаларга патент олишда қўмақлашадиган бўлди. Қўлаб ишланмаларини амалиётга татбиқ этиш учун тавсия берилди.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ
Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина — масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Хусанович
Абдуллаев Хуршид Уктамжонович
Навбатчи
Санжар Эшмуродов

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиб тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ, Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.
Индекслар: 203, 3203
Баҳоиси қабул қилинган нарҳда.
Буюртма Г-536
Авди — 22179
Босишга топшириш вақти — 21.00
Тошқирилди — 02.00
ЎЗА якуни — 00.05
Офсет усулида босилган.